



КУЧ-АДОЛАТДА

2013 йил
1 март,
жума
№ 9 (418)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.olysud.uz>

1998 йил 29 августдан чиңга бошлаган.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Дастурнинг асосий мақсади — халқ фаровонлигини янада юксалтиришдир

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларниң барчаси Президентимиз Ислом Каримовининг 2013 йил 14 февралда имзолаган қарорига мувофиқ қабул қилинган "Обод турмуш йили" давлат дастурда ҳам ўз ифодасини топган.

Дастурнинг иккичи бўлимида ахоли фаровонлиги ва реал даромадларининг муттасил ўсишини таъминланаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хуесий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, ахолини, аввало, ижтимоний ҳимоя мухтоҳ қатламлар ҳамда кам таъминланган онлаларни давлат томонидан манзилли ҳимоя қилиши ва уларга ижтимоний ёрдам кўрсатиш тизимини таомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар мисдорини ўртача камидан 23 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.



Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш обьектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва қенгайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), якка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш

(218,4 минг), фермер ва дех-қон хўжаликларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоний ва бозор инфратизилмасини ривожлантириш ва қенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий начор ҳамда фойлий кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) хисобидан 972,7 мингта янги иш ўринини яратиш режалаштирилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи кўп бўлган 53 тумандаги

хомашёни чукур қайта ишлайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграциялашган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ишлаб чиқарышларни ташкил этиши хисобидан 13 мингта юқори технологик янги иш ўринлари яратилиди.

Замонавий ишлаб чиқарышларни яхши тайёргар-

лика эга, малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда касбхунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация асосидаги ҳамкорлигининг турли шакллари ривожлантирилмоқда. 2013 йилда бўш ва захира иш ўринлари ҳисобидан 500 мингдан ортиқ битирувчисини ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

(Давоми иккичи бетда)

Qonun ijodkorligi

Фарзандликка олиш — суд қарори билан амалга оширилади

Мамлакатимизда оиласи мустаҳкамлаш, уларга давлат ва жамият томонидан замонликинни кучайтириш, фарзандларимизнинг ҳар томонлами баркамол бўлиб вояга етиши учун алоҳида ётибор қаратиб келинмоқда.

Энг асосийси, истиқололинг ўтган даврида бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди ва изчиллик билан таомиллаштириб келинмоқда. Куни кечга Олий Мажлис Конун-

чилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама этилган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига Оила

институтини таомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фикримизни тасдиқлайди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun k`omiqi

Қулай сармоявий мўҳит самарадорлиги

Хорижий инвестицияларни жалб этишда юртимизда яратилган қулай инвестициявий мўҳит алоҳида аҳамиятта эга. Чунки хорижий инвесторлар учун яратилган мўҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлити уларнинг инвестициявий фаолиятини ривожлантиришдаги асосий механизм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамизда хорижий инвесторларни жалб этишининг оқиёна тўйларини ташлашга алоҳида ётибор берилмоқда.

Хусусан, мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда тадбиркорлик фаолиятига эркинлик яратиш, уларга имтиёзлар бериш, уларнинг фаолиятига асосиз аралашиш ва тўсқинликларнинг конуний манфаатларни алоҳида ташлашга алоҳида ётибор берилмоқда.

(Давоми иккичи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ, ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизми яратилган. Хусусан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишини сўраб судларга мурожаат этиши ҳуқуқлари қонунчиликда кафолатланган ва фуқаролар амалда бундан унумли фойдаланмоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Даъво муддати

унга қатъий риоя этиш ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар ҳимоясига хизмат қилади

Суд тартибида ҳимоялашда даъво муддати мухим ўрин тутади. Хўш, даъво муддати ўзи нима? Бу институт фуқаролик ишларини ўз вақтида қонуний ҳал этишда қандай ўрин тутади?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш жоизи, фуқаролик ҳуқуқида аниқ белгиланган вақтида муддат дейилади. Муддат ўтказиб юборилган тақдирда муйайн ҳуқуқи оқибатлар вужудга келади. Масалан, Уй-жой кодексининг 52-моддасига кўра, ижарага оловчи ва унинг оила аъзолари турар-жойдан вақтинча, яны опти ойдан ортиқ муддатга ке-

тиб колса, туаржоға нисбатан бўлган ҳуқуқини йўқотиши мумкин.

Айтиш керакки, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан факат низодаги тарафнинг суд қарори чиқарилгунга қадар берган аризасига мувофиқ кўлланади. Аризада кўрсатилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш тўғрисида қарор чиқариши учун асос бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқололинг дастлабки йилларидан ахоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол аводни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўллами ислохотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самараҳар бераеттани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Тиббий хизмат сифати ошиб, ахоли саломатлиги янада мустаҳкамланмоқда

"Обод турмуш йили" давлат дастурнинг учинчи бўлимида ахоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт мусассасалари маддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис кўйиш ва даволаш усуналарни табтиқ этишини қенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини маддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқти тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу мусассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизида илгор ташхис кўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола түниши ҳамда унинг нормал ривожланишида оналар ва

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқариша бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши ҳуқуқига эгадирлар. Маълумки, бундай иштирок этиши асосан сайловлар ордаги алоҳида оширилади.

Истиқол йилларидан жамиятимизнинг ижтимоний-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма-босқич ва изчили ривожланиши бораёттани натижасида умумътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди.

Yangi qonun tohiyat

Сайлов қонунчилиги

уни янада таомиллаштириш борасидаги муҳим қадам

Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга, тан олинган халқаро норма ва принципларга асосланган норматив-ҳуқуқий база босқичма-босқич шакллантирилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жаёнларидан эркин, фаол иштирок этиб, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ алоҳида оширишларни кафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, маддий-техники шароитлар яратиди. Ҳокимият вакилиларни сайловига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиши таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида доимий асосда фаолият кўрсатадиган сайловига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиши таъминловчи ташкили этиди.

Самарали демократик сайлов тизимишнинг шакллантирилганлиги сайловларни кўп партияйилик асосида, сайлов қонунчилиги таъблари ҳамда халқаро мөъберларга амал қылган холда, очиқираво ошкоралиш шароитида яширинга овоз бериш орқали умумий, тенг

(Давоми учинчи бетда)

